

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 336.717.3(575.1)

АНВАРОВ ЛАЗИЗХЎЖА АЗИЗХЎЖА ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5А 230701-Банк иши(фаолият турлари бўйича) мутахассислигида
Магистр академик даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Абдурахманова М.М.

Тошкент - 2019

Диссертацияда тижорат банклари пассив операцияларини самаралий бошқариш йўллари тадқиқ қилинган. Унда тижорат банкларининг пассив операцияларини самарали бошқариш билан боғлиқ фаолиятини ташкил этиш назарий ва ҳукукий асослари ёритиб берилган. Шунингдек Ўзбекистонда тижорат банклари пассив операцияларини амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, бу борада мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан илмий амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

The thesis examines ways in which commercial banks can effectively manage their obligations. It sets out the theoretical and legal framework for activities related to the effective management of passive operations of commercial banks. In addition, it was held an analysis of passive operations of commercial banks in Uzbekistan, identified problems and developed scientific and practical proposals for overcoming them.


Магистрлик диссертация иши «Банк иши» кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. 24 -сонли баённома « 12 » 06 2019 йил.

Илмий раҳбар: доц. М.М. Абдурахманова 

ИМЗО

сана

Магистр: Л.А. Анваров



ИМЗО

сана

«Химояга тавсия этилади»
«Банк иши» кафедраси мудири,
PhD. У.Ш.Дусқобилов


« 31 » май 2019 й.

Магистрлик диссертацияси химояси 2019 йил «29» май соат
да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1.Тижорат банкларнинг пассив операциялари тушунчаси ва уларнинг турлари	8
1.2. Тижорат банклари пассив операцияларини бошқаришнинг асосий тамойидлари.....	16
1.3. Тижорат банкларининг пассив операцияларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари.....	21
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	32
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ЖИҲАТЛАРИ.....	34
2.1. Банк тизими депозит сиёсатини олиб бориш механизми.....	34
2.2. Ўзбекистон тижорат банклари пассив операцияларини бошқаришнинг амалдаги ҳолати.....	43
2.3. ТИФ “Миллий банк”нинг пассив операцияларини бошқариш фаолияти таҳлили	48
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	55
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	56
3.1. Тижорат банклари пассивларини самарали бошқаришнинг хориж тажрибаси	56
3.2. Ўзбекистон тижорат банклари пассив операцияларини самарали бошқариш йўлларини такомиллаштириш.....	62
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	71
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	73
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	76
ИЛОВАЛАР.....	81

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимиз иктисодиётининг барқарор ўсишининг таъминланиши, макроиктисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамланишида банкларнинг барқарор ресурсларга эга бўлиши муҳимдир.

Мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончнинг йилдан йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бориши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда ва пировардида банкларнинг жами депозитлари миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда.

Тижорат банклари ўз ресурс базасини ошириш ҳисобига мамлакатимиз иктисодиётининг муҳим тармоқлари ривожига йўналтирилган ислохотларда фаол иштирок этиш мақсадида аҳоли учун қулай даромад манбаи бўлган омонатлар турини тобора кенгайтириб бормоқда. Бунда асосий эътибор омонатларнинг жозибадорлигини ошириш ва уларда аҳолининг турли тоифалари эҳтиёжларини инобатга олишга қаратилмоқда.

Жумладан, банк тизимига ўз диққат эътиборини қаратиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: “ ... банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенгжорий этиш зарур.

Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли экандир. Бу, ўз навбатида, банк секторига соғлом рақобатга тўсик бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.”¹ деб таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирги кунда банк ресурсларини кўпайтириш, уларнинг капиталлашувини таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш ва нақд пулларни банкларга жалб қилишни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этиб.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 29.12.2018 й.